



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАТЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРХЕОЛОГИЯ ВА БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ

(энг қадимги замонлардан ҳозиргача)
мавзусидаги халқаро миқёсидаги илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

2023 йил-10 июнь

Бухоро - 2023

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАТЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРХЕОЛОГИЯ ВА БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ
(энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

мавзусидаги халқаро миқёсидаги илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛАРИ

2023 йил – 10 июнь

Бухоро - 2023

~ 2 ~

Илмий-амалий анжуман Бухоро тарихи, манбашунослиги, тарихшунослиги, археологияси, этнографияси, нумизматикаси, шаҳарсозлиги, маданият ва санъати соҳаларида амалга оширилаётган энг янги илмий натижаларни илмий жамоатчиликка етказиш, фан ва таълимнинг узвий боғлиқлигини кучайтириш мақсадида Бухоро давлат университетида **2023 йил 10 июнь** куни “**БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ**” (ЭНГ ҚАДИМГИ ЗАМОНЛАРДАН ҲОЗИРГИ ДАВРГАЧА) мавзусидаги халқаро миқёсида илмий-амалий конференция белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

Ушбу тўплам кенг илмий жамоатчилик, Бухоро тарихи билан қизиқувчилар, тарихчилар, магистрантлар ва талаба ёшларга мўлжалланган

Масъул муҳаррир:

БухДУ профессори, тарих фанлари доктори

Ҳ.Ҳ.Тўраев

Таҳрир хайъати ва аъзолари:

Бухоро давлат университети ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор	О.Х.Ҳамидов
Илмий ишлар ва инноватциялар бўйича проректори, физ-мат ф.д (DSc), проф	Т.Ҳ.Расулов
Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири	Ф.У.Темиров
Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори	И.С.Иноятлов
Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори	Ш.А.Ҳайитов
тарих фанлари номзоди, доцент	М.Б.Қурбонова
тарих фанлари номзоди, доцент	М.И.Ниязова
тарих фанлари номзоди, доцент	Ф.Ҳ.Бобожонова
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)	И.Н.Наимов
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)	А.Ҳ.Болтаев
Археология ва Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси	О.И.Ражабов
Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси	Ш.Ў.Носиров

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:

Темиров Ф.У. – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири

Умаров Б.Б. – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Носиров Ш.Ў – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Мазкур тўплам Бухоро давлат университети Илмий Кенгашининг 2023 йил 15 майдаги
7 – сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

*Илмий-амалий анжуман материалларида ёритилган тарихий жараёнлар,
маълумотлар, чиқарилган хулосалар, манба ва адабиётлар учун муаллифларнинг
ўзлари масъул ва жавобгар*

амир маъмурлари, 18 нафар савдогар, 10 нафар бой, 5 нафар руҳоний шахслар аниқланиб, жазога тортилди¹⁵⁹⁴.

Кўриниб турибдики XX асрнинг 20-30-йилларида партия сафларида амалга оширилган уч бор “тозалаш” компанияси чоғида Бухородан ҳам кўплаб партия аъзолари “синфий жиҳатдан бегоналр”, “ёт унсур”лар сифатида партия сафларидан ўчирилган эдилар.

Хуллас, бутун Ўзбекистонда бўлгани каби Бухорода ҳам партия ходимларига нисбатан 20-30-йиллар бошларида бошланган “тозалаш” компанияси аслида кейинги оммавий қатағон учун тайёргарлик эди. “Тозалаш” компаниясида партиядан ўчирилганларнинг аксарияти 1937-1938 йилларда амалга оширилган “катта террор” даврида қатағон қилиниб, отиб ташланди ёки узоқ муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди.

МУНЗИМ БУХОРИЙ - БУХОРОДАГИ ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ЙИРИК НАМОЯНДАСИ

Мақсуд Бешимов – БухДУ, ўқитувчи

Маърифатпарвар шоир, давлат ва жамоат арбоби Мирзо Абдулвоҳид Бурҳонов 1875 йили Бухорода таваллуд топади. Дастлабки таълимни эски мактабда олади. XIX асрнинг 90-йилларидан Абдулвоҳид Бурҳонов Мунзим тахаллуси билан маърифий шеърлар ёза бошлайди, кейинчалик эса амалий фаолиятида ҳам маърифатпарварлик билан шуғулланади. XX асрнинг биринчи ўн йиллигида Мунзим янги усулдаги мактаб очиш учун ҳаракат қила бошлайди. Бухородаги дастлабки жадин мактабининг очилиши ҳам унинг номи билан боғлиқ. У 1908 йили Самарқандга бориб, жадин мактабларидаги ўқитиш услубини Маҳмудхўжа Бехбудий ва Абдуқодир Шуқурийдан ўрганади ва шу йили ўз ховлисида жадин мактаби, 1909 йилда эса катта ёшдагилар учун кечки мактаб ташкил этади.

Бухорода 1909 йилдан шаклланган жадинлар ташкилоти аввал маърифатпарварлик ишларини олиб борди. Мунзим бу ташкилот ишига фаол қатнашиб, шу йили Мукамил Бурҳонов, Садриддин Айний билан биргаликда билан «Тарбияйи атфол» («Болалар тарбияси») махфий жамиятини тузишда иштирок этди. Бу жамият бухоролик маърифатпарварлар ва ҳур фикрли зиёлилар ўртасида илғор демократик ғояларни тарғиб этиб, халқнинг сиёсий онгини уйғотишда катта аҳамият касб этди.

Абдувоҳид Мунзим 1909 йили “Ширкати Бухорои шариф” жамиятига асос солиди ва унинг ҳомийлигида Садриддин Айнийни Самарқанд, Усмонхўжа ҳамда Ҳомидхўжани Боғчасарой ва Истанбулдан олиб келинган китоблар, газета ва журналлар билан мактаб кутубхонаси бойитилади. Дарсларни ташкил қилишда ҳам янги тартиблар жорий этилади. Болаларни ёруғ хоналарда ўқитилиши, кўргазмали қуроллар, глобус ва хариталарлардан фойдаланиб дарслар ўтилиши бу давр учун катта янгилик эди. Мунзим ўз мактаби учун С.Айний билан бирга ўқув қўлланмаларни ҳам яратдилар.

Жумладан, С.Айний ва Мунзим ҳамкорликда “Алифбо” китобини ёзиб, шу дарслик асосида дарсларни ўта бошладилар. Бухоро амири атрофида тўпланган маълум жаҳолатпарастларнинг иғволари ва янгиликка қарши чиқишлари натижасида бу мактабни ёпиш учун жуда кўп уринишлар бўлди. Шоир Мирзо Саҳбо мактабни ёпмаслик учун жуда кўп уринади: “Ушбу мактаб мусулмон болалари учун лозим ва нофедир. Муни ёпмок,

исломга хиёнат ва мусулмон болалари ҳақида жиноятдир. Мен умид қиламанки, бу ишга жасорат қилмасангиз.” Аммо, 1909 йил 26 сентябрида Остонақул кушбеги, Бақохўжа қозикалон ва Бурҳониддин раис топшириғи билан Абдулвоҳид Мунзим мактаби ёпиб қўйилади.

Абдулвоҳид Бурҳонов 1908 йилда Мукамил Бурҳонов, Ҳамидхўжа Меҳрий, Садриддин Айний, Аҳмаджон Абдусаидов ва бошқалар билан бирга “Тарбияи атфол” (“Болалар тарбияси”) номида Бухоро жадидларининг маърифий жамиятини туздилар. Бу жамият бухоролик маърифатпарварлар ва хурфикрли зиёлилар орасида илғор демократик ғояларни тарғиб этиб, халқнинг сиёсий онгини уйғотишда бекиёс аҳамият касб этган эди. Бу жамиятда Усмон Хўжа, Мусо Саиджоновлар фаол қатнашдилар. Жамият аъзоларининг сони 100дан ошиб, уни моддий жиҳатдан Муҳиддин Мансуров ва Садр Зиё қўллаб-қувватлаб турдилар. Бу ташкилот бухоролик ёшларни хорижга юбориб ўқитиш, янги усул мактаблари учун дарслик, қўлланмалар яратиш, хориждаги ўқишга юборилган болаларга моддий кўмак бериш ишлари билан шуғулланди.

Жамиятнинг Термиз, Карки, Янги Бухоро ва Ғиждувонда 28 та бўлинмаси бўлиб, улар амирлик худудидаги иқтидорли ёшларни аниқлаб, Истанбул, Оренбург, Уфа, Қозон, Боғчасарой каби шаҳарларга ўқишга юборган. Жамиятнинг кўмагида 1908 йилда Истанбулда 14 та бухоролик ва туркистонлик бола таълим олди. Жамиятнинг кўмагида Туркияда Абдурауф Фитратнинг бир қатор асарлари чоп этилди. Бу жамият аъзолари, жумладан, Мунзим ҳам бухоролик маърифатпарвар ва зиёлилар ўртасида илғор демократик ғояларни тарғиб этиб, халқнинг сиёсий онгини уйғотишда муҳим роль ўйнадилар. Мунзим Бухоронинг биринчи матбуоти “Бухорои шариф” газетаси ташкил топишининг ташаббускорларидан биридир.

У “Мунзим” тахаллуси билан форс-тожик тилида ёзган шеърларини шу газетада босиб чиқарди. Газетанинг 1912 йилда чоп этилган 53-сонидан унинг “Ватан”, 59-сонидан “То ба кай” (“Қачонгача”), “Мактаб” шеърлари чоп этилган. Бу шеърларда жадидчилик ҳаракати олдига қўйилган маърифатпарварлик, ватанпарварлик, болаларимизнинг илм ўрганиши, миллий ўзлигини англаши каби ғоялар ўз аксини топган. Мунзим хаттотлик санъати билан ҳам шуғулланган ва уни мукаммал эгаллаган. С.Айнийнинг маслаҳати ва Садри Зиёнинг моддий ёрдами билан Аҳмад Донишнинг “Наводир-ул-вақоъе” (“Нодир воқеалар”) қўлёзма асарини чиройли хаттотлик усули билан кўчириб, алоҳида китоб сифатида унга зеб беради.

1902 йилда эса шоир Ҳайратнинг шеърлар тўпламини жамлаб, китобат шаклида тайёрлайди. Кейинроқ эса ўз уйида типография ташкил этиб, “Қуръони Карим”ни чоп этган ва бу нусха “Қуръони Абдулвоҳидий” ҳамда “Қуръони Мунзим” номлари билан машҳур бўлган. Бу Қуръон китоблари олтин суви югуртирилган зарҳалли чиройли калиграфияда ёзилган. Россияда 1917 йил февраль инқилобидан кейин ва Бухорода амир Олимхоннинг шу йили 7 апрелдаги фармонидан сўнг Бухоро жадидлари Абдулвоҳид Бурҳонов Мунзим бошчилигидаги эски-қадимчиларга ва Файзулла Хўжаев ҳамда Абдурауф Фитрат бошчилигидаги янги жадидларга бўлинадилар. Биринчи гуруҳнинг асосий фаолияти маърифат бўлса, иккинчи гуруҳ кенг ислохотлар тарафдори эдилар. Бу гуруҳлар ўртасидаги ихтилоф анча кучайган эди.

1917 йил феврал инқилобидан сўнг Бухоро жадидлари А.Бурҳонов бошлиқ эски жадидларга, Ф.Хўжаев ва А.Фитрат бошлиқ янги жадидларга бўлинади. Биринчи гуруҳнинг асосий фаолияти маърифатпарварлик бўлса, иккинчи гуруҳ кенг ислохотлар тарафдори эди. Кейинчалик бу икки гуруҳнинг бирлашуви натижасида «Ёш бухороликлар» партияси тузилиб, Мунзим унга раис этиб сайланади.

1918 йилдан 1920 йилнинг сентябригача Мунзим Тошкентда яшайди. Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилгач, у аввал Марказий ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари, кейинчалик Халқ маорифи нозирини, Соғлиқни сақлаш нозирини лавозимларида ишлайди.

Халқ маорифи нозирини лавозимида ишлаган Мунзим 1922 йил июнида миллий кадрлар, хусусан, муҳандислар тайёрлаш мақсадида бир гуруҳ бухоролик ёшларни Германияга юбориш тўғрисидаги БХСР ҳукумати қарорининг қабул қилинишига катта ҳисса қўшади. Шу қарорга асосан, у мазкур ишни ташкил этиш бўйича комиссия раиси этиб тайинланган эди. 1922 йилнинг ёзида Мунзимнинг шахсан ўзи бухоролик 44 кишини Германияга олиб бориб, Берлиндаги ўқув юртларига жойлаштиради.

1920 йилларнинг ўрталаридан бошлаб Мунзим ўзини тамоман ижодий ва публицистик фаолиятга бахшида этади. 30-й. бошида «Тожикистони сурх» газетасида ишлади.

Абдулвоҳид Мунзим 1934 йилда узоқ давом этмаган касалликдан сўнг Душанбеда вафот этган.

Ю.Б. Турсунова	СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ БОШҚАРУВИГА СИЁСИЙ ТАЪСИРИ	740
Нигматов Алишер Хайруллоевич	“ИСТОРИЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ УЗБЕКИСТАНА: БУХАРСКАЯ КРЕПОСТЬ АРК И ЕЕ ИСТОРИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ”	742
Худоёров Нойиб Марипович	БУХОРОДАН “ҚУЛОҚ” ОИЛАЛАРИНИ КЎЧИРИЛИШИ	746
Жўраев Ҳамза Атоевич	АБДУРАУФ ФИТРАТ ВА ЖАДИД МАДАНИЯТИ	748
Ҳочиев К.М.	ИНЪИКОСИ ҚАНГИ БУЗУРГИ ВАТАНИ ДАР АСАРҲОИ ПРОФЕССОР МУХТОРОВ А.М.	751
Хошимов С.А.	БХСРда СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЖАЗОЛОВЧИ ИДОРЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛГАН СИЁСИЙ ҚАТАҒОНЛАР	755
Murodova Dilrabo	ARXIV HUYJATLARIDA BUXORODAGI YAHUDIY MAKTABLARI FAOLIYATI	758
Ibraimov Xolboy	BXSR VA SOVET DAVRIDA BUXORODA TA'LIM VA FANNING RIVOJLANISHI	761
Шамсиева З.А	Н.П.ЛОБАЧЕВА ВА УНИНГ НИКОҲ ТЎЙИ МАСАЛАЛАРИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРИ	765
Qosimov Qosim Odinayevich	BUXOROLIKLARNING QIZIL ARMIYAGA QARSHI KURASHI	767
Mohinura Misaboyeva	BUXORODA SHO'RO HOKIMIYATINING O'RNATILISHI VA MILLIY-HUDUDIDY CHEGARALANISH	771
Akbayeva Zebiniso	TURKISTON MUSULMONLAR BYUROSII TARIXI	773
Normatov Otabek Махаматjonovich, Chirchiq davlat pedagogika	BUXORO VA XORAZM RESPUBLIKALARIDAGI IJTIMOIY-SIYOSIY JARAYONLAR TARIXIDAN	777
Зокиров Бобир	БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА СУДЛОВ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ	780
Марупов Шерзодбек	ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ АМАЛГА ОШИРГАН “ТОЗАЛАШ” СИЁСАТИНИНГ БУХОРОДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ	782
Beshimov Maqsud	Munzim Buxoriy – Buxorodagi jadidchilik harakatining yirik namoyandasi	785
4-ШЎЪБА. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖДА БУХОРО ТАРИХИ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ		
Фаррух Темиров	МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА САДРИДДИН АЙНИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНING ЎРГАНИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ	788
Дилноза Жамолова	МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА БУХОРО ЖАДИДЧИЛИГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ	793
Очил Бўриев	БУХОРО ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ЭТНОГРАФИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИ: БАЪЗИ ЧИЗГИЛАР	796
Манзила Қурбонова	БУХОРО ВОҲАСИГА ХОС МАРОСИМИЙ ПАЛОВ	801
В. Boltayev	BUXORO DAVLAT UNIVERSITETIDAGI MUZEYLARNING HAMKORLIK FAOLIYATIDAGI O'RNI.	803